



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 22 АВГУСТ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (12.726)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК - INDEPENDENCE
23
ЎЗБЕКИСТОН

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Туркистон» саройида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

МУҚАДДАС ЮРТ МАДҲИ

Унга санъат байрамнинг турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида голиб бўлган ижрочи ва ижодий жамоалар таклиф этилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан тегин, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда муҳим омили бўлаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида иштирокчи тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, мусиқа

асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий республика кўрик-танловини байрамона руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов ташкилий қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу санъат байрамнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ижодий-ташкилий ишлар мувофиқлаштириб борилди. Кўришни жойларда юқори савияда ўтказиш учун тажрибали режиссёрлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассислар жалб этилди. Санъат анжуманининг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги босқичларида 77 минг 300 дан ортиқ ижрочи қатнашди. Таниқли санъаткорлар ва ижодий жамоалар билан бирга санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшларнинг ватанпарварлиги, юксак граждандлик руҳидаги кўшиқлари сараланди.

Ватанни қуйлаш, уни юксак пардаларда мадҳ этиш олий шараф, — дейди ЎЗА муҳбирига Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, танлов ҳакамлар хайъати раиси Ҳабибулла Раҳимов. — Танлов учун тақдим этилган кўшиқларда уларнинг бадиий савияси, хонандаларнинг ижро маҳорати билан бирга «Ягонасан, муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этганига алоҳида эътибор қаратилди.

Танловда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, мусоффо осмонимизни, табаррук Ватанимизни, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборни, бағрикенг, меҳнатсевар халқимизни тараннум этувчи кўшиқлар томошабинларга тақдим этилди.

Кўрик-танловнинг голиб ва совриндорлари энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик шодиёналари арафасида эълон қилинади.

Назokat УСМОНОВА

Нанкин — 2014

СУҲРОБ ОЛИМПИАДА ОЛТИН МЕДАЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган II ўсмирлар Олимпиадасида ўзбекистонлик яна икки нафар спортчи голиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Дзюдо бўйича жамоавий баҳсларда қатнашган ёш полвонимиз Суҳроб Турсунов делегациямиз ҳисобини яна бир олтин медаль билан бойитди. Пуэрто-Рико вакили Адриан Гандиа, россиялик Михаил Игльников, франциялик Моргане Дучене, аргентиналик Аэлен Элизече, голландиялик Лиза Милленберг ва португалиялик Мария Сидерот билан «ROUGE» жамоасида қатнашган Суҳроб Турсунов 66 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида болгариялик Стоян Тарапановни, беларуслик Дмитрий Минкоуни, арманистонлик Харутюн Дермишяни ва Коста-Рика вакили Хулиан Санчони енгиб, жамоадошлари билан бирга шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Ўсмирлар Олимпиадасининг таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган баҳсларида иштирок этган яна бир ҳамюртимиз Умида Абдуллаева вазни 63 килограммдан оғир бўлган таэквондочилар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг чорак финалидан баҳсларга киришган Умида свазилендлик Шарлота Мунавани 17:3, ярим финалда хитойлик Чен Лини 1:0 ҳисобида енгиб, кумуш медалини қўлга киритди.

Айни пайтда ўзбекистонлик спортчилар ҳисобида II ўсмирлар Олимпиадасининг 2 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медали бор.

Б.АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ЎЗБЕКИСТОН СЕҲРЛИ ДИЁР

Мамлакатимиздаги тарихий обидалар, замонавий шаҳарлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар, тараққиёт йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳар қандай одам эътиборини тортади. Юртимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар бунни алоҳида эътироф этади. ЎЗА муҳбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Жозеффо АБРАМ, тадбиркор (Италия):

— Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Бу диёрнинг асрлар мобайнида сайқалланган бетакрор анъаналари ва қадриятлари ҳар қанча эъзоз ва эътиборга лойиқ. Халқингиз мустақиллик байрамига катта тараддуд кўраётганининг гувоҳи бўлдим. Пойтахтингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари киши ҳавасини тортади. Бу ердаги файзли боғлар, сержило фавворалар, кенг ва озода кўчалар, улкан иншоотлар, энг муҳими, меҳмондўст одамлар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Ўзбекистон сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Юртингизда туризм инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётди. Мамлакатингизда қад рўстлаётган замонавий меҳмонхоналар, савдо мажмуалари, дам олиш масканлари тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тўбдан яхшиланмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатингизда узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг самараларидир.

Инго ХЕРТРИХ, дизайнер (Германия):

— Бир неча кундан буён Тошкентнинг мафтунок манзараларини кузатиб, дам олиб юрибман. Бу азим шаҳарда марокки хордиқ чиқариш учун барча қўлайликлар яратилган. Музей ва галереялар эстетик завқ беради, халқингизнинг ўзига хос меҳмондўстлиги киши бахри-дилини очади.

Тошкентнинг осуда хиёбонларида сайр қилиб, яна бир жижик эътиборимни тортади — Ўзбекистон халқи жуда бахтли экан. Оиласи ва дўстлари билан сайр қилиб юрган одамларнинг юз-кўзларидаги хотиржамлик, мамнуният шундан дарак бериб турибди. Бундай меҳридарё, оилапарвар ва меҳмондўст халқни бошқа жойда учратиш қийин.

Юртингизда қурилиш, дизайн ва интерьер соҳалари анча ривожланган экан. Бинолар бир-бирига ўхшамайди, ҳаммаси ўзига гўзал. Меҳмонхоналар, офислар, хондонлар энг замонавий интерьер билан жиҳозланган. Бу мамлакат иқтисодиёти изчил ривожланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат.

Ли ТИЕДЗЮН, тадбиркор (Хитой):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Кўп йиллардан буён мамлакатингизни, қадимий ва замонавий шаҳарларингизни кўришни орзу қилардим. Ниятига етдим. Ўзбекистон сеҳрли диёр экан. Мамлакатингизда ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган обидалар, осмонўпар миноралар, халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландим. Ўзбекистон халқининг, айниқса, ёшларининг юксак маданияти ва интеллектуал салоҳияти менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистонда чет эл сармосини жалб этиш бўйича барча шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани хорижда кенг эътироф этилади. Бунинг тасдиғи — юртингизнинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин.

Бу юртдаги ҳамма нарсаси — одамлар юзидаги бахтиёрлик, аҳиллик, миллий санъатингизнинг улкан сеҳри мени ўзига маҳлиё этди. Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим.

Джарам САРКАР, ўқитувчи (Хиндистон):

— Болалар сифатли таълим олиши, орзуларига етиши учун аввало тинчлик-осойишталик керак. Кўриб турибмиз, жаҳоннинг бир қатор давлатларида турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб қўллаб болалар таълим жараёнига тўла қамраб олинмаяпти.

Ўзбекистон болалари — бахтли болалар. Юртингиз тинч, ёшлар давлат раҳбарининг доимий эътиборида.

Саёҳатим давомида юртингиздаги таълим масканларини кўрдим, улардаги шарт-шароитлар билан танишдим. Ўзбекистонда энг зўр бинолар мактаб ва коллежлар экан. Улардаги замонавий компьютер синфлари, зарур ўқув-методик адабиётлар, турли хил лаборатория ускуналари, спорт заллари ёшларнинг маънан ҳамда жисмонан баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

XXI сағоси
Барча манбалардан
олинган сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда вилоят халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари республика форуми бўлиб ўтди.

• Сирдарё вилоят «Қамалак» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши аъзолари ҳамда сардор бўлишни хоҳловчи ўқувчилар учун «Сардор бўлишга тайёرمىсиз?» мавзuida семинар-тренинг ўтказди. Етти кун давом этган ўқув-семинарда «Қамалак» болалар ташкилоти фаолияти, аъзоликка қабул қилиш, семинар-тренинг ўтиш маҳорати, нотиклик маданияти, тезкорлик ва чаққонлик, акция ва лойиҳаларни намунавий ташкил этиш тартиби, иш режа ва ҳисоботлар, компьютер саводхонлиги ва слайдлар яратиш каби мавзуларда ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар олиб борилди.

• Андижонда «Ягонасан, муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида иқтидорли ёшларнинг ёзги ўқувдам олиш оромгоҳи ташкил этилди.

• Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдида Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида полипропилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Инвест сервис Шуманай» хусусий корхонаси фаолият бошлади. Хориждан келтирилган замонавий технологиялар асосида кунига беш хил ҳажмдаги 15 минг дона қоп ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада касбуналар коллежини битирган 20 нафар ёш иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг Хиросима шаҳрида тинимсиз ёққан ёмғир ер кўчкисини келтириб чиқарди. Сўнгги маълумотларга кўра, табиий офат натижасида 39 киши ҳалок бўлган, 52 нафар одам бедарак йўқолган. Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

• Германиянинг «Volkswagen» автомобилсозлик компанияси Хиндистонда двигател ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этмоқда. Ушбу корхона жорий йилнинг охирига бориб тўла қувват билан ишлаб бошлайди ва янги заводда 1,5 литр ҳажмдаги дизель двигателлар тайёрланиб, Хиндистоннинг Чакан шаҳридаги «Volkswagen»нинг бошқа бир корхонасига етказиб берилади. Немис компанияси шу йўл билан харажатларни қисқартириб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни мақсад қилган.

• Google компанияси АҚШ ва Японияни юқори тезликдаги маълумот узатиш тармоғи билан боғламоқчи. FASTER лойиҳаси доирасида 2015 йилнинг иккинчи чорағига қадар Тинч океани тубидан 60 Тб/с. тезлики таъминловчи 10 минг километр узунликдаги оптик толали кабель ётқизилади. Google лойиҳага 300 млн. доллар ажратган, ускуналар Япониянинг NEC концерни томонидан етказилади. Тармоқнинг China Mobile International, China Telecom Global, Transil, KDDI, SingTel каби операторлар билан ҳамкорликда бошқарилиши режалаштирилган.



Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик аъёналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқ усталирининг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Зиннатулло Алимбоев ўз меҳнати орқасидан ҳурмат ва обрў-эътибор топган усталардан. Тошкент давлат техника университети (илгариги политехника институти)да ўқиб юрган кезларида усталилик билан шуғулланадиган синфдошининг ёғоч қутича ясаётганини кўрган Зиннатулло ёғоч ўймакорлигига

қизиқиб қолди. Шундан сўнг шу касбга кўнгил қўйди, унинг сир-асрорларини йиллар давомида пухта ўзлаштириб, ҳақиқий уста даражасига кўтарилди.

Бугун устанинг ишлари нафақат мамлакатимиз, балки Германия, Франция, АҚШ каби хорижий давлатларда ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда муваффақиятли намойиш этилмоқда. Утган йили унинг меҳнати муносиб баҳоланиб, Президентимизнинг Фармонида мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги улар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, давлат органлари ва фуқароларнинг мунтазам алоқада бўлишини таъминлайди.

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ва жорий йилда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Тошкент шаҳар адлия бошқармасида очиқликнинг ҳуқуқий асосларига бағишлаб ўтказилган анжуманда янги қонуннинг мазмун-моҳияти ва уни амалиётда қўллашнинг муҳим жиҳатлари атрафлича муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи А.Сафоев ва бошқалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ушбу органлар фаолияти устидан ҳақоний ва самарали

жамоатчилик назорати амалга оширилиши таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади. Шу билан бирга, уларнинг фаолияти, қабул қилган қарорлари тўғрисида фуқароларнинг бевосита хабардор бўлиши ҳуқуқини кафолатлайди.

Қонунда энг илғор ва демократик халқаро тажрибадан келиб чиқиб, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланган. Чунки, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови сўров рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиши, оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи фаолияти ҳақида ахборот олишга ҳамда мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этишга доир сўрови эса етти кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиши белгиланган. Мазкур қоида, бир томондан, фуқароларнинг

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни ўз вақтида олишларини кафолатласа, иккинчи томондан, оммавий ахборот воситаларининг янада тезкор ва самарали фаолиятини таъминлаш борасида қулайликлар яратди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Хусусан, оммавий ахборот воситаси вакилининг ўзини аккредитациядан ўтказган орган масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни сўраш ва олиш, тадбирларга доир ёзувлар билан танишиш, улардан нусха кўчириб олиш, олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситаларига материаллар тайёрлаш жараёнида фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари таъминланади.

Ушбу қонун нормаларининг амалиётга татбиқ этилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, улар фаолиятига нисбатан аҳолининг ишончи ортишига, жамиятда демократиянинг янада ривожланишига хизмат қилаётди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Пул муомаласини такомиллаштириш ва банк пластик карталаридан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган тадбирда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ҳамда банклар томонидан мижозларга янги турдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида сўз юритилди.

Банк тизимида инновацион ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши орқали мамлакатимизда қисқа муддатда миллий тўлов тизими шаклланди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг шаклланишида Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонун, давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қатор қарорлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда барча тижорат банкларини ўз ичига олган пластик карточалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилган банклараро тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 12,4 миллион донадан ортиқ пластик карта муомалага чиқарилган бўлиб, улардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига 149 мингдан ошқ тўлов терминаллари ўрнатилган.

Бу тизим ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳамда миллий ва халқаро ҳисоб-китобларни аниқ вақтда амалга ошириш, чакана савдо, пуллик хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш корхоналари ҳақида пулларни санаб, сақлаб, ташиб каби касса хизмати харажатларини тежаш, корхоналарнинг ҳисобвақраларига пул маблағлари ўтказилиши тезкорлиги ҳисобида савдо айланиши ўсишини таъминлади.

Тадбирда таъкидланишича, банк пластик карталари унинг фойдаланувчисига ҳам, муомалага чиқарган банкка ҳам қатор қулайликлар яратди. Пластик карточалар фойдаланишга қулай, ишончли бўлиши билан бирга турли хил тўловларни масофадан туриб исталган вақтда тўлаш имкониятини бермоқда.

Банклар ҳар қандай замонавий компьютер ва телефонларга ўрнатилган html ва war-браузерлар орқали мижозларга тўла хизматлар пакетини тақдим этмоқда. Улар кечаю кундуз ўз ҳисоб рақамларини кузатиб бориш имкониятига эга.

«Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси республикада электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш кўзда тутади. Ушбу қонун, шубҳасиз, товар ва хизматлар бўйича тўловлар айланиши – пул айланишини тезлаштириш ва унинг муомаласини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Абдували СОДИҚОВ

Реклама ўрнида

КАПИТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Унинг омиллари ва мезонларига кўз ташлайдиган бўлсак, албатта бунда молия-банк тизимининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини, ҳозирги кунда ушбу тизим тадбиркорларнинг яқин ҳамқори ва таянчига айланганини сезиш қийин бўлмайди. Бугун банклар бунёдкорлик бўладими, саноат, қишлоқ ҳўжалиғими, оилавий бизнесни ривожлантиришми, коллеж битирувчисининг лойиҳасини амалга оширишга ёрдамми, барча жабҳада фаол, уларни молиявий қўллаб-қувватлашда яқин маддодкор бўлмоқда.

Бугун биз ОАТБ «Капиталбанк» фаолияти мисолида фикримизни давом эттирмоқчимиз. «Капиталбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки 2001 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирда у Ўзбекистондаги энг йирик тижорат банкларидан ҳисобланиб, универсал ва ишончли молия институти ҳисобланади. Бугунги кунда банк инфратузилмаси 13 та филиалдан иборат бўлиб, шулардан бтаси Тошкент шаҳрида, 7 таси республикамизнинг вилоятлари марказларида жойлашган. «Капиталбанк» жами 64 та минибанкларга эга ва уларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда ОАТБ «Капиталбанк» томонидан иқтисодийнинг етакчи тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Буни тадбиркорлик соҳасининг барча йўналишлари: оилавий тадбиркорлик, фермер ҳўжалиғи, деҳқон ҳўжалиғи, яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона, микрофирмалар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари ва тадбиркор аёлларнинг банк кредитларидан фойдаланишлари тобора ортиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин. Бу албатта, уларнинг мазкур тизимга бўлган ишончининг ортиб бораётганидан далолатдир. Шунингдек, банк ходимларининг ўз вазифаларини сидқидилдан бажариши, маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатиши, омонатларни сақлашда барча амалиётларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, белгиланган тартиб-қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда қонунбузилишга йўл қўйилмаслиғи ҳам муҳим омиллардан биридир.

Банкдан кредит олиб ўз фаолиятини бошлаган, бугунги кунда ҳам жамият учун, ҳам оиласи учун наф келтираётган тадбиркорлар фикри билан қизиқсангиз, банклар томонидан кредит олишда ҳеч қандай муаммо йўқлиги, кредит олишнинг тартиб-қоидалари соддалаштирилганлиги эса бу борада муҳим аҳамият

Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналарини шукуҳи юртимизнинг ҳар бир гўшасида кезаётган шу кунларда босиб ўтилган йиллар тарихига назар ташласак ҳар бир соҳада, жумладан ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилганини кўраимиз.

касб этаётганлигини билдириб ўтишмоқда.

— ОАТБ «Капиталбанк»нинг Самарқанд филиалидан 2013 йилда 70 миллион сўм кредит олиб иш бошлаган эдик, — дейди «REGISTON BEK BARAKA» оилавий корхонаси раҳбари У. Салиева. — Ушбу кредит эвазига корхонамизда мебель маҳсулотлари ва уй жиҳозларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада учта янги ишчи ўрни яратилди. Кўрсаткичларимиз ҳам режадан ортиқ даражада бўлмоқда. Келажақда корхо-

дан умумий миқдорда 908,7 миллион сўм кредитлар ажратилган. 70 нафар касб-хунар коллежи битирувчиларига жами 1.135 миллиард сўмлик кредитлар берилган.

— Корхонамиз 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, аҳоли саломатлиги йўлида диагностика, лазерли терапия ва ультратовушли терапия хизматларини кўрсатиб келмоқда, — дейди «OLLOYOR MED SERVIS» оилавий корхонаси раҳбари Д. Примбердиева. — Асосий фаолиятимиз УЗИ орқали ташхис қўйиш ва физиотерапия муолажаларини ўтказишга қаратилган бўлиб, бу билан маълум маънода аҳолининг узогини яқин қилишга, шунингдек, намунали тиббий хизмат кўрсатишга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Шу пайтгача аҳоли биз кўрсатаётган хизматлар учун Қўқон шаҳрига ёки вилоят марказига қатнар эди. Биз лойиҳамизни молиялаштириш, замонавий тиббий анжомлар сотиб

олиш мақсадида 2014 йил январь ойида ОАТБ «Капиталбанк»нинг Қўқон филиалига кредит сўраб мурожаат қилдик. Ва банк ходимларининг кўмаги билан 28,496 миллион сўмлик кредит маблағларини олиб, мўлжалимиздаги дастгоҳларни харид қилдик. Ҳозирда ҳар кун 25-30 нафар беморга хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. 4 та янги иш ўрни яратилди.

Кейинги иш режаларимизни ҳам яқин ҳамкоримизга айланган банк билан биргаликда амалга ошириш мақсад қилганмиз. Оилавий корхонамиз фаолиятини кенгайтириб, янги дастгоҳлар сотиб олиш, аҳолига бундан-да намунали тиббий хизмат кўрсатиб, яна янги иш ўринлари яратиш йўлида изланмоқдамиз ва бунда банк ходимларининг яқиндан ёрдам кўрсатишларига ишонамиз.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, тадбиркорга кўрсатилган эътибор хайрли мақсад йўлида бошланган ишларга ҳамонан бўлиб элу юрт ривож, оилалар фаровонлигига хизмат қилади. ОАТБ «Капиталбанк» эса «Аҳоли ишончи — катта масъулият» шиори асосида иш олиб бориб, тадбиркорларни, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаб, Ватан тараққиётига озми-кўпми ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бораверади.

Шойра МУХАМЕДОВА

Август кенгашлари

ЮТУҚЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-сонли академик лицейда 2014-2015 ўқув йилида ўқувчилар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, тизимда тўпланган тажрибаларни таҳлилий ўрганиш, тарбия беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида Август кенгаши ўтказилди.

Анжуман Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ташкил этилиб, унда бошқарма тасарруфидagi таълим муассасаларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва гуруҳ раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда Педагогик раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, истиқболдаги режалар хусусида сўз борди. Айниқса, «Таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия ишлари самарадорлигини ошириш омиллари», «Баркамол авлод тарбиясида «Маънавият кўни» ва «Маънавият соатлари»нинг аҳамияти» мавзуларида кенг фикр юритилди.

— Анжумани ўтказишдан қўзланган мақсад, — дейди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Замира Азимбоева, — истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан, таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган ютуқлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишдир. Таълим муассасалари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишни таъминлаш ва ушбу тадбирлар орқали ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат аталмиш мустақиллик ҳисси ва Ватанга мухаббат ва садоқат туйғуларини янада теранроқ сингдириш ҳам мазкур тадбирнинг асосий ғоясини ташкил этади.

Анжуман доирасида таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш, ўқувчилар даволатини яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-хунарга йўналиштириш, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларининг олдини олиш каби йўналишлар бўйича вазифалар белгиланди.

Тадбир сўнгига 2013-2014 ўқув йилида фаол ва самарали фаолият юритган педагог-ҳодимларнинг бир гуруҳи Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

МУЗЕЙЛАР ГАВЖУМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан мамлакатимиздаги барча маданият ва маърифат масканлари қатори Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳам ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари бепул хизмат кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида миллий ўзлигини англаш, бой ва бетакор меросимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, буюк аждодларимизнинг юксак салоҳиятини юртимиз ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Буюк маданиятимизни акс эттирган музейларнинг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётди.

Ўзбекистон давлат санъат музейи Марказий Осиёдаги энг йирик музейлардан бири ҳисобланиб, бу ерда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати, Фарбий Европа ва Шарқ мамлакатлари санъатининг 70 мингга яқин нодир намуналари тўпланган. Экспозициялардан юртимиз тарихининг антик ва Ўрта асрлар даврларига оид нодир экспонатлар ўрин олган. Жумладан, эрамикча бўлган I асрда Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган қадимий Холчаён шаҳрининг қалъа-саройини безаган Қушмон маданиятининг кўркам намуналари – лойдан ясалган ҳайкаллар ўша давр ҳайкалтарошларининг юксак маҳоратидан дарақ берди.

Ўзбек рассомларининг халқимиз ҳаёти ва маданияти, истиқлол йилларида қўлга киритилган юксак марраларни ўзида акс эттирган ижод намуналари ҳамда жаҳон муомтоз рассомларининг инсон олами ва ҳаёт моҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-тасвир асарлари энг сара экспонатлар рўйхатидан жой олган.

— Ушбу музейга тез-тез келиб тураман, — дейди Юнусовод туманидаги 51-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Лайлобону Бекжанова. — Музей экспонатлари қаторидан ҳол олган миллий зардушлик намуналари – XIX аср Бухоро ва Марғилон аёллари либослари, Чуст ва Фарғона бўйидаги, болалар чопонларини катта қизиқиш билан томоша қиламан. Улар ўзида миллийлигимизнинг барча аъёналарини акс эттирган, нафис шарқона безаклари кишини хайратга солади.

Асрлардан асрларга ўтиб келаётган ўлмас маданиятимиз ва санъатимизни ўзида жо этган нодир экспонатлар ёш авлодни она Ватанга мухаббат, улуг аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Нозимжон АШУРАЛИЕВ
(ЎЗА)

Банк ва мижоз

АҲОЛИ ИШОНЧИ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

намиз фаолиятини ривожлантириш мақсадида яна ўзимиз ишонган ва бизга маъқул бўлган банк хизматидан фойдаланмоқчимиз. Чунки тўғри танланган банк, келгусида корхонанинг равақ топишида муҳим омил бўлади. Фурсатдан фойдаланиб банк маъмуриятига намунали хизмат учун миннатдорчилик билдирмоқчимиз.

Эътиборлиси, берилаётган имтиёзли кредитлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал ривожланишига, қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгаришига, янги савдо марказларининг ишга тушишига хизмат қилмоқда, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланишига имкон бермоқда. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, банк томонидан Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 23,4 миллиард сўм ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан эса 30,9 миллиард сўмлик кредит ажратилган. Утган давр мобайнида оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик йўналишига банк томони-

ХАҲТИЛИК МЕДИАСИЗЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Замин гаройиботлари». Х/ф.
7.25 «Икким».
7.30 Миллий сериал: «Ўзи уйлан-маган сови». 8.00 «Ахборот».
8.40 «Тинч океани». Х/ф.
9.30 «Кўнгил ободлиги».
9.55 «Икким».
10.00 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
10.35 «Андерсен эртақлари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
13.25 «Дибирим табиати».
13.35 «Икким».
13.40 «Орган» дарё.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Худоят сари».
14.35 Миллий сериал: «Меҳмон-жонлардан айланай».
15.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига «Ўзбек модели».
15.35 «Ўзбек операси юлдузлари». Ўзбекистон Халқ артисти Исмоил Жалилов.
16.00 «Завтра».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Эркин фикр».
17.20 «Икким».
17.25 «Ароғлам».
17.40 «Корачик».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига «Ўзбек модели».
18.45 «Икким».
18.50 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 Миллий сериал: «Опа-син-гиллар».
20.50 «Истиқлол солномаси».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.20 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
22.30 «Шаҳар четдаги шифо-на» Т/с.
23.20 - 23.45 «Замин гаройиботлари» Х/ф.
23.45 Кўрсатувлар дастури.
23.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига «Ўзбек модели».
00.20 Миллий сериал: «Опа-син-гиллар».
00.50 «Истиқлол солномаси».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 Миллий сериал: «Меҳмон-жонлардан айланай».
02.00 «Корачик».
02.20 ТелеТварт: «Каллиқ уйин».
02.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
04.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Ўзи уйлан-маган сови».
5.30 - 5.55 «Ўзбек операси юлдузлари». Ўзбекистон Халқ артисти Исмоил Жалилов.

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
